

ПСИХОЛОГИЯ, ПЕДАГОГИКА, МЕТОДИКА

УДК:8+82/83

ДАРСДА ЛЕОНХАРД ТОМАНИНГ КИЧИК ҲАЖМЛИ ҲИКОЯЛАРИ УСТИДА
ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

З.Позилова

В статье речь идет от особенностях работы над рассказами немецкого писателя Леонхарда Тома.

In this article it is given about the specific features of working at short stories by german writer Leonhard Toma.

Калит сўзлар ва иборалар: германистика, кичик ҳикоялар, баҳолаш тизими, машқлар, матн тузиш, немис маданияти, компетенция, дидактик машқлар, кичик гуруҳда ишлаш.

Леонхард Тома 1966 йилда Германиянинг Аренбург шаҳрида дунёга келган. У Мюнхен университетини адабиёт ва фалсафа ўқитувчиси мутахассислиги бўйича тамомлаган бўлиб, Берлин ва Париж шаҳарларида немис тили ўқитувчиси сифатида фаолият юритган. Бугунги кунда у Барселонада яшайди ва ажойиб ҳикоялари билан шуҳрат топган.

Унинг ҳикояларида ҳозирги даврдаги немис халқининг кундалик ҳаётларида учраб турадиган айрим камчиликлар кулги остига олинадиган ва моҳирона тасвирлаб берилади. Масалан, унинг “Менинг уйим сенинг уйинг” ҳикоясида немисларнинг таътил вақтларида Мароккога боришлари, марокколикларнинг ғоят даражада меҳмондўстликлари, ҳатто ўзлари камбағалликда кун кечирсаларда сайёҳларни уйларига таклиф этишиб, турли совғалар ҳадя этишлари, агар сайёҳ бўлиб келган немислар уларга ҳаммаси учун пул бермоқчи бўлсалар, дарҳол буни рад этишиб, “Менинг уйим сенинг уйинг” дейишлари ва бундан ташқари бир немис Германияга қайтиб келгандан сўнг бир марокколик бир неча ҳафтадан бери шу ерда иш юзасиданми ёки саёхат юзасиданми яшашини, лекин уни уйига ҳеч ким таклиф қилмаслигидан ажабланаётгани кабилар тасвирланган. Бу ҳикоя орқали Леонхард Тома немислар Мароккога борганларида марокколиклар дўстона кутиб олишларини, ҳатто йўл кўрсатиб вақтларини аямасдан бирга юришлари, уйларига таклиф этиб, турли совғалар берсалар-у, лекин Германияга келиб вақтинчалик яшаётган марокколикни немис уйига таклиф қилиш ўрнига, яна уни таклиф қилишини кутаётган немисни оддий халқона сўзлар билан танқид қилиб, кулги остига олиши берилади.

Леонхард Томанинг “Нонушта” ҳикоясида эса жаноб Позеннинг ҳар уч-тўрт ҳафтада беш юлдузли меҳмонхона барида нонушта қилиб кетиши, бар хизматчиларининг мижозларга жуда самимий муносабатлари, аъло даражада нонушта тайёрланиши, меҳмонхонанинг жойлашган ўрни, меҳмонхона бари ойнакларидан бутун шаҳар кўзга ташланиши ва бу сафарги нонуштасида бар ходимининг келиб ундан “Қайси хонада турасиз?” деб сўраганида нотўғри номер бериши кабилар тасвирлаб берилади. Бу билан Леонхард Тома бундай меҳмонхона барлари меҳмонхонада яшайдиган кишилар учунлиги, лекин бар ходимлари ҳеч қачон “Сиз қайси хонада яшайсиз?” деган савол билан мурожаат қилмасликлари боис жаноб Позен уч-тўрт ҳафтада бир келиб бепул нонушта қилиб кетишини кулгу остига олади ва жамиятда камдан кам учрайдиган бундай пахсларни жуда усталик билан танқид қилади.

Леонхард Тома ҳикояларини асосан германистика йўналиши талабаларининг 2-курсда ўрганиш мумкин. Чунки талабалар уй ўқиши фанидан 1-курсда немис ва ўзбек халқ эртакларини ўқиб ўрганишса, 2-курсда асосан кичик ҳикоялар устида ишлайдилар. Бундан ташқари Леонхард Тома ҳикоялари асосан тилларни эгаллашнинг Умумевропа баҳолаш тизими бўйича А2 ва В1 даражаларига тўғри келади ва тилининг содда ва равлонлиги жиҳатидан ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

Дастлаб, ўқитувчи Леонхард Тома ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача сўзлаб бериши лозим. Ҳикояларнинг баъзи бирларини уйда ўқиш учун бериш, баъзиларини эса биргаликда дарс давомида ўқиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Талабалар қўшимча дафтар тутиб, бу дафтарга ўрганган сўзлари, ҳикоялар юзасидан шахсий мулоҳазаларини ва ўзлари учун муаммоли вазиятларни ёки саволларини ёзиб боради. Ҳар бир ҳикоя устида қандай ишлаш лозимлиги, албатта, ўқитувчининг маҳоратига, касбий тажрибасига, билим ва дунёқарашига боғлиқ бўлади. Масалан, Леонхард Томанинг “Менинг уйим сенинг уйинг” ҳикояси юзасидан қуйидагича машқлар ўтказиш мумкин.

1-машқ.

Талабалар икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга “Мараккода таътил” ва иккинчи гуруҳга “Маракколик сизнинг мамлакатингизда” мавзусида топшириқ берилади. Талабалар дарҳол шу мавзуларга оид матн тузадилар. Сўнгра тузган матнларини ўқиб берадилар.

2-машқ.

Талабалар ҳикояни ўқийдилар.

3-машқ.

Ғапларни тўлдилинг.

Бу машқда талабалар яқка ҳолда қуйидаги ғапларни тўлдирадилар.

1. *Die Marokkaner laden die Urlauber in ihr Haus ein, weil...*

(Маракколиклар) таътилга келганларини ўз уйларига таклиф қиладилар, чунки.....

2. *Der Marokkaner in Deutschland lädt seine Nachbarn nicht ein, weil...*

Германиядаги марокколик қўшнисини уйига таклиф қилмайди, чунки.....

Сўнгра натижаларини пленумда муҳокама қиладилар.

4-машқ.

Жуфтликларда қуйидаги саволлардан фойдаланган ҳолда марокколик қўшни ҳақида матн тузинг.

a. *Was hat er in Marokko gemacht?*

У Мароккода нима қилар эди?

b. *Warum ist er nach Deutschland gekommen?* (Нима учун у Германияга келди?)

c. *Wie fühlt er sich in Deutschland?* (У Германияда ўзини қандай ҳис қиляпти?)

5-машқ.

Кичик гуруҳларда бир-бирлари билан яхшироқ танишишлари учун маданиятлараро байрам ташкил қилинг ва қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор беринг!

Тасаввур қилинларки, Марокколиклар нималарни яхши кўриб истеъмол қиладилар ёки германияликлар.

Қандай кийинадилар?

Қандай уйинлар ташкил қилинади?

6-машқ.

Ҳикояни бошқача яқунланг!

Масалан, талабалар икки гуруҳга бўлинадилар.

Биринчи гуруҳ ҳикояни ижобий яқунлаши лозим. Иккинчи гуруҳ эса салбий яқунлаши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, талабалар Леонхард Томанинг кичик ҳикоялари орқали немис маданиятини, уларнинг ўзига хос дунёқарашларини ўрганибгина қолмасдан балки, тил ўрганувчиларнинг прогматик компетенцияларини ривожланишида ҳам Леонхард Тома кичик ҳикоялари муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари кичик ҳикоялар устида қандай ишлаш кераклиги ёки ҳикояларга мос қандай дидактик машқлардан фойдаланиш кераклиги ўқитувчининг ижодий изланишига боғлиқ бўлади.

Немис ва француз тиллар кафедраси

Қабул қилинди:

18.05.2014

УДК: 8+82/83

MATERIALS DEVELOPMENT

Г.Касимова, Р.Закирова

Статья посвящена использованию учебного материала, который адаптируется и разрабатывается преподавателями, а также освещаются положительные и отрицательные аспекты этого подхода для преподавателей разного профессионального уровня.

This article is devoted to the use of educational material that adapts and skillful teachers, and highlights the positive and negative aspects of this approach for teachers of different professional level.

Мақола ўқув материалларини қўллашда уларни ўқитувчилар томонидан мослаштириш ва қайта ишлашга қаратилган. Шунингдек, унда ушбу усулнинг турли даражадаги ўқитувчилар учун ижобий ва салбий томонлари ёритилган.

Key words: materials development, autonomy, methodology workshops, communicative activities, cultural contexts, professional development, transferable

Teacher autonomy is a precondition for learner autonomy. Learner autonomy can be described as the ability to take control of one's own learning in order to maximize its full potential. Methodology workshop for teachers which incorporates elements of autonomy in their professional lives and enable them to realize the benefits of gradually introducing more learner autonomy into their classrooms.

Teachers who are relatively inexperienced often believe that a handful of exciting new games are what they really need to liven up their lessons. Even teachers who have been teaching other subjects for many years, such as, Russian, or Uzbek come to methodology workshops expecting to receive new ideas and new materials from the mass of ELT literature. Given these expectations it may seem entirely appropriate for the teacher trainer to present methodology workshops based around practical, ready-to-use ideas for the classroom. But how effective are they?

In the short term, the benefits of presenting ready-to-use teaching techniques and materials seem to be very high. They are motivating, they meet teachers' perceived needs, and they are exciting to try out with a group of teachers. At the end of the session, the teachers walk happily away with a collection of new activities, and the trainer feels the satisfaction of having "given" them what they wanted.

In practice, how many of those teachers will remember the activities well enough to feel confident in using them with their students? How many will say, "Well, that worked in a group of teacher, but what about my 10 year-old?" Maybe some of teachers will try them out in their class once, using the material just as it had been given to them. Many teachers may just put them away in a neat file marked "New Materials."